

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc27.06.2017.Qx.42.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ**

АЗИЗОВ БАХРАМ МУЗАПАРОВИЧ

**СУҒОРИЛАДИГАН ШАРОИТДА БУҒДОЙНИНГ УРУҒЛИК ВА
ТЕХНОЛОГИК СИФАТ КЎРСАТКИЧЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

06.01.08–Ўсимликшунослик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2018

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата докторской диссертации (DSc)
Content of the abstract of doctoral dissertation(DSc)

Азизов Бахрам Музапарович

Суғориладиган шароитда бўғдойнинг уруғлик ва технологик сифат кўрсаткичларини

такомиллаштириш..... 3

Азизов Бахрам Музапарович

Совершенствование семенные и технологические качество пшеницы в условиях орошения.....

27

Azizov Baxram Muzaparovich

Perfection of seed and technological quality of wheat under irrigation conditions.....

53

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published papers 57

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc27.06.2017.Qx.42.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ**

АЗИЗОВ БАХРАМ МУЗАПАРОВИЧ

**СУҒОРИЛАДИГАН ШАРОИТДА БУҒДОЙНИНГ УРУҒЛИК ВА
ТЕХНОЛОГИК СИФАТ КЎРСАТКИЧЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

06.01.08–Ўсимликшунослик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2018

Фан доктори (DSc) диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.DSc:Qx41 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент давлат аграр университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз тилида (резюме)) Илмий кенгаш веб саҳифаси (www.cottonagro.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим портали (www.ziynet.uz) манзилига жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: **Атабаева Халима Назаровна**
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Сиддиков Равшанбек Иномжонович**
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, катта илмий ходим

Тешаев Фатулло Жўрақулович
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Бобомирзаев Пирназар Хурсанович
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот: Ўсимликшунослик илмий тадқиқот институти

Диссертация ҳимояси Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги DSc27.06.2017.Qx.42.01 рақамли илмий кенгашнинг «__» «_____» 2018 йил соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника М.Ф.Й, ЎзПТИТИ кўчаси, ПСУЕАИТИ. Тел.: (+99895) 142-22-35; факс: (99871) 150-61-37; e-mail: piim@agro.uz)

Докторлик диссертацияси билан Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_№__ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника М.Ф.Й ЎзПТИТИ кўчаси.

Диссертация автореферати 2018 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2018 йил «__» _____ даги _№__ рақамли реестр баённомаси)

Ш.Ж.Тешаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, к.х.ф.д., профессор

Ф.М.Хасанова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, к.х.ф.н., катта илмий ходим

Ж.Х.Ахмедов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д., профессор

Кириш(фан доктори(DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.Бугунги кунда дунёдааҳолини озик-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондиришда бошоқли дон экинлари, жумладан буғдой ҳосилдорлигини ва дон сифатини ошириш муҳим аҳамиятга эга. Маълумки, бугунги кунда донли экинлар жами шудгор қилинадиган экин майдонининг қарийб $\frac{1}{2}$ қисмини ташкил этади. Дунё бўйича дон етиштириш 1,9 млрд. тоннани ташкил этиб, шундан 724 млн. тоннаси буғдой донига тўғри келади. Энг асосий дон етиштирувчи давлатлар - Хитой, АҚШ, Хиндистон ва Россия, бу давлатлар ҳисобига дунё бўйича етиштирилган доннинг қарийб 54% дан ортиғи тўғри келади¹.

Дунёда буғдой етиштирувчи йирик мамлакатларда тупроқ шароити, нав хусусиятлари ва етиштириш технологияларининг илғор усулларини кўллаш ҳисобига дон ҳосилдорлигини ва сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу нуқтаи назардан, табиатнинг турли экстремал шароитларига бардошли, касаллик ва зараркунандаларга иммунитетни юқори бўлган кузги буғдой навларини яратиш ва уларнинг уруғчилигини такомиллаштириш;кузги буғдой дон сифатини оширишда илғор инновацион технологияларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш қишлоқ хўжалик соҳасининг шу кундаги энг муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган ҳаракатлар стратегиясида “...қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасига интенсив усулларни, энг аввало маҳаллий ер-иқлим ва экологик шароитларга мослашган қишлоқ хўжалик экинларининг янги селекцион навларини яратиш, бошоқли дон экин майдонларида замонавий агротехнологияларни жорий этиш, айниқса ғаллачиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди”.Бошоқли дон экинлари етиштиришнинг жадал технологияларини тадбиқ этилиши дон ҳосилдорлигини ошириш билан бир қаторда, суғориладиган ерлардан самарали фойдаланиш, уруғ сифатини яхшилаш, доннинг технологиксифат кўрсаткичларини ошириш бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш долзарб вазифа ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 29 декабрдаги ПҚ-2460-сон қарори, “2016-2020 йилларда қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори ҳамда 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сон “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони ҳамда мазкур фармонга тегишли бошқа меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотни республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги.Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишинингV-“Қишлоқ хўжалиги,

¹Studbuks/1128217/agropromyshlennost/rastenievodstvo/geografiya osnovnyh selskohozyaystvennyh kultur

биотехнология, экология ва атроф муҳит муҳофазаси” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи. Кузги буғдой навларини минтакалар тупроқ-иклим, гидрогеологик шароитларини ҳисобга олган ҳолда мўл ва сифатли ҳосил етиштириш технологияларини, уруғлик ва технологик сифат кўрсаткичларини оширишнинг илмий асосларини такомиллаштириш борасида илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари, олий таълим муассасалари жумладан Indian Institute of Wheat and Barley Research (Ҳиндистон), Chinese Academy of Agricultural Sciences (Хитой), Center for Agricalchiral Reseach in the Dry Areas (ICARDA) (Сурия), International Maize and Wheat Inprovent Center (CIMMYT) (Мексика), Rural Development Administration (Корея), National Agricultural Research and Development Institute (Руминия), Central Field Crop Research Institute (Туркия), Россия донли экинлар илмий-тадқиқот институти, Россия Ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институти, Краснодар ғаллачилик илмий- текшириш институти (Россия), Дон ва дуккакли экинлар илмий- тадқиқот институти, Ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институти, Тошкент давлат аграр университетида (Ўзбекистон) кенг қамровли илмий-тадқиқотлар олиб борилган.

Буғдой етиштириш технологиясининг самарадорлигини ошириш юзасидан олиб борилган илмий-тадқиқотлар якунида, кейинги йилларда жаҳонда қуйидаги илмий натижалар олинган: кузги буғдой навларининг биологик ва экологик хусусияти ҳисобга олиниб, мақбул етиштириш агротехнологияларитакомиллаштирилган(Unversity of Hohinheim, Германия); экиш муддати ва меъёрларининг буғдой дони таркибидаги оқсил, клейковина миқдориға, физик-технологик сифатига таъсири аниқланган(Dryland Farming Institute (Хитой), Center for Agricalchiral Reseach in the Dry Areas (ICARDA) (Сурия), Indian Agricultural Research Institute (IARI) (Ҳиндистон), International Maize and Wheat Inprovent Center (CIMMYT) (Мексика));илдиздан ташқари озиклантиришнинг дон сифатига таъсири аниқланган (К.А.Тимирязев номли Россия қишлоқ хўжалиги академияси, Краснодар давлат аграр университети (Россия), Украина Қишлоқ хўжалиги илмий тадқиқот институти (Украина)).

Бугунги кунда жаҳонда буғдойдан юқори ва сифатли дон ҳосили етиштиришда қуйидаги устувор йўналишлардаилмий-тадқиқотларолибборилмоқда: худудларнинг тупроқ-иклим шароитларига мос, муҳитнингноқулай омилларига чидамли, интенсив типдаги янги навларни яратиш;буғдойнингT.turgudum тури асосида бошоқлари шохланувчи серҳосил навларини яратиш; маълум худуд шароитлари учун арзон, юқори ҳосилдорликни таъминлайдиган, экологик тоза, озик овқат талабларига жавоб берадиган, нонбоплик хусусиятлари юқори,ресурстежамкор технологияларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.Ҳозирги вақтдаCIMMYT, ICARDA сингари илмий ташкилотлар ва олий таълим муассасаларида соҳа мутахассислари томонидан турли тупроқ иқлим шароити ва навнинг

биологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда буғдой селекцияси, уруғчилиги ва етиштиришнинг ресурстежамкор технологияларини ўрганиш бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда (Altman, Arabi, Javhar. Absattarova, Borlan, Coomc, Dorntscu, Hawaru, Nowman, Holbrook, Hanway, Kienzler, Gyuga, Gepts., Lope, Quist, Chapela).

Республикамизнинг эскирдан суғориладиган майдонларида уруғликнинг аҳамияти, биологияси, морфологияси, уруғ сифатига қўйиладиган андоза талаблар ва асосий сифат кўрсаткичларининг шаклланиши турли йилларда В.Гриценко, В.Соловьев, Ғ.Курбонов, Е.Узоков сингари олимлар томонидан ўрганилган. Суғориладиган ерларда кузги буғдойнинг нав хусусиятларини минтақанинг тупроқ иқлим шароитини, навнинг биологик хусусиятларига мос, юқори ва сифатли ҳосил етиштиришни таъминлайдиган агротехнологияларни ишлаб чиқиш бўйича илмий тадқиқотлар А.Аманов, Х.Атабаева, О.Аманов, П.Бобомирзаев, Р.Сидиков, Н.Халилов, Б.Холиков, Н.Ибрагимов, Н.Ирназаров, О.Мирзаев ва бошқа бир қатор олимлар томонидан ўрганилган. Бироқ, уруғлик сифатини оширишнинг илмий асослари, кечки азотли озиклантириш ва илдиздан ташқари озиклантиришни доннинг технологик сифат кўрсаткичларига таъсири муқаддам ўрганилмаган.

Диссертация ишининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат аграр университети илмий тадқиқот ишларининг Дон ва дуккакли дон экинлари етиштиришдаги инновацион технологиялар мавзусида “Ўзбекистон шароитида юмшоқ ва қаттиқ буғдойнинг маҳаллий ва хорижий селекцион навларининг уруғ сифат кўрсаткичларига стресс омилларнинг таъсирини ўрганиш ва агротехник тадбирларни ишлаб чиқиш” мавзусидаги Ўзбекистон-АҚШ (2001-2004 йил) халқаро лойиҳаси, КХА-8-062-V “Кузги буғдойни илдиздан ташқари озиклантириш усуллари ишлаб чиқиш” (2009-2011 йил) мавзусидаги фундаментал ва амалий тадқиқотлар доирасида бажарилган.

Таҷрибанинг мақсади: Андижон вилоятининг ўтлоқи бўз ва Тошкент вилоятининг типик бўз тупроқлари шароитида кузги буғдойнинг турли навларини уруғлик ва технологик сифат кўрсаткичларини оширишни таъминлайдиган етиштириш агротехнологияларини яратишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари: марказий минтақанинг суғориладиган ерлар шароитида турли экиш муддати, меъёрлари ва минерал озиклантиришни кузги буғдой уруғларининг дала унвчанлигига, униш қуввати, униш кучи, бир хиллиги ва уруғ ҳосилига таъсирини ўрганиш;

тупроқ иқлим шароити, ҳар бир навнинг биологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ўрганилаётган кузги буғдой навларидан барқарор юқори сифатли дон ҳосили етиштиришни таъминловчи мақбул суғориш режимини ва меъёрини аниқлаш;

азотли ўғитлар йиллик меъёрининг 20 фоизини тупроқ унумдорлиги ва ўсимликнинг эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда кузги буғдойнинг бошоқлаш гуллаш фазасида қўлланилишини ҳосил элементларининг шаклланиши, дон

ҳосилдорлиги ва доннинг технологик сифат кўрсаткичларига таъсирини таҳлил қилиш ва уни илмий асослаш;

кузги буғдой навлари илдиздан ташқари, барглари орқали озиклантиришнинг мақбул муддатлари, меъёрлари ва суспензия эритмаси концентрациясини белгилашнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш;

суғориладиган бўз тупроқли ерларда илдиздан ташқари озиклантиришни кузги буғдойнинг ўсиши, ривожланиши, барг сатхининг шаклланиши, фотосинтезнинг кечиши, дон ҳосили ва сифатига таъсирини ўрганиш;

Тадқиқот объекти сифатида: эскитдан суғориладиган Андижон вилоятининг ўтлоқи ботқоқ ва Тошкент вилоятининг типик бўз тупроқлари, кузги буғдойнинг интенсив типдаги Крошка, маҳаллий селекцияда яратилган Чиллаки, каттиқ буғдойнинг Кахрабо нави олинган.

Тадқиқот предмети сифатида: буғдой навларинитурли суғориш режимлари, экиш ва минерал озиклантириш меъёрлари, илдиздан ташқари барг орқали озиклантириш таъсирида буғдой навларининг ўсиши, ривожланиши, ҳосил ва дон сифатининг шаклланиши кузатилади, ўрганилади, янги маълумотлар олинади.

Тадқиқот услублари. Дала ва лаборатория изланишларда Б.А.Доспеховнинг (1985) “Методика полевого опыта”, ЎзПТИ нинг “Дала тажрибалари ўтказиш услублари” (Тошкент 2007), “Методика агрофизических исследований” (Тошкент 1973), “Методика агрохимических исследований” (Тошкент 1973), “Методические указания по определению качества растительной продукции” (Москва 1980) қўлланмаларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

илк борсуғориладиган бўз тупроқлар шароитида Давлат реестрига киритилган юмшоқ буғдой навларининг биологик хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда доннинг уруғлик ва технологик сифат кўрсаткичларини оширишнинг технологик элементлари мақбуллаштирилган;

марказий минтақа шароитида турли стресс омилларни, минерал озиклантириш усуллари ва меъёрларини, экиш муддати ва меъёрини буғдойнинг уруғлик сифат кўрсаткичларига таъсири аниқланган;

уруғ сифатини кузги буғдойнинг ўсиши, ривожланиши, ҳосил элементларининг шаклланиши, дон ҳосилдорлиги ва сифатига таъсири илмий асосланган;

суғориладиган бўз тупроқли ерларда кечки азотли озиклантиришни кузги буғдой навларида дон ҳосилдорлигининг шаклланиши ва доннинг технологик сифат кўрсаткичларига таъсири аниқланган ва энг мақбул озиклантириш меъёр ва муддатлари ишлаб чиқилган;

суғориладиган шароитда биринчи марта кузги буғдойни илдиздан ташқари озиклантиришнинг доннинг технологик сифат кўрсаткичларига ижобий таъсири ўрганилиб, карбомид суспензия эритмаси қўллашни мақбул муддат ва меъёрлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари. Буғдой уруғлик учун 2 млн./га меъёрда экилганда уруғларнинг унувчанлик ва униш энергияси бошқа вариантларга нисбатан 0,4-1,1 ва 0,5-3,1 % га юқори бўлиши кузатилган;

суғориладиган типик ва ўтлоқи бўз тупроқларда кузги буғдойнинг Чиллаки , Крошка, Кахрабо навларининг биологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда минерал ўғитлар юқори меъёрларда N-280,P-210,K140 кг/га кўлланилган, уруғнинг сифат кўрсаткичларининг яхшиланиши, юқори ҳосилдорлик ва самарадорлик кузатилган;

сараланган, тозалиги ва унувчанлиги юқори бўлган сифатли уруғларнинг экилиши ҳисобига, далада бир текис соғлом майсаларни ундириб олиш, ўсимликларнинг жадал ўсиб ривожланиши, кузги буғдойнинг Чиллаки навида 18,1-46,8 ц/га, Крошка навида 18,0-48,7ц/га, Кахрабо навида 2,0-39,9 ц/га кўшимча дон ҳосили етиштирилган;

кўшимча азотли озиклантириш ҳисобига ўрганилган кузги буғдой навларидан олинган кўшимча дон ҳосили 21-37 ц/га ни ташкил этган. Дон таркибидаги оксил миқдори 0,6-1,7 %, клейковина миқдори 1,2-4,5% га ортиши кузатилган;

илдиздан ташқари озиклантириш донинг шишасимонлигини сезиларли оширади, доннинг шишасимонлиги 8-16,0%, дон таркибидаги оксил миқдори 0,8-1,8%, клейковина миқдори 1,6-3,5% га ортишини таъминлаши аниқланган;

суғориладиган ўтлоқи ва типик бўз тупроқли ерларда кузги буғдой навларини ўсимликнинг эҳтиёжи ва биологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда илдиздан ташқари озиклантириш 6,7-22,5 ц/га кўшимча дон ҳосили шаклланишини таъминлаши аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.Тадқиқот натижаларининг дала ва лаборатория усулларидан фойдаланган ҳолда вариацион-статистик таҳлилдан ўтказилганлиги ҳамда олинган назарий натижаларни амалий натижаларда тасдиқланганлиги, тажрибалар натижалари маҳаллий ва чет эл тадқиқотлари билан таққосланганлиги, тўпланган маълумотлар мутахассислар томонидан тасдиқлаб баҳоланганлиги ва тадқиқот натижалари ишлаб чиқаришга кенг жорий этилганлиги, тадқиқот натижаларини Республика ва халқаро илмий анжуманларда қилинган муҳокамалар натижаларининг ишончлилигини асослайди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертация натижаларининг илмий аҳамияти Ўзбекистоннинг суғориладиган бўз тупроқлари шароитида кузги буғдойнинг уруғлик ва технологик сифат кўрсаткичларини сақлаш ва ошириш учун тупроқ иқлим шароити ва кузги буғдой навларини биологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда суғориладиган ерларда экиш муддати, меъёри ва уларнинг ўзаро таъсири, суғориш тартиби, минерал ўғитлар меъёрлари ва уларнинг ўзаро таъсирлари, минерал ўғитларнинг ўсимлик томонидан ўзлаштирилиши, илмий асосланганлиги билан изоҳланади.

Диссертация натижаларининг амалий аҳамияти республикамизнинг марказий минтақаси суғориладиган ерлари шароитида кузги буғдой навларидан юқори сифатли дон ҳосили етиштиришни таъминлайдиган мақбул экиш муддати, меъёри, суғориш тартиби, кечки азотли

озиклантириш, илдиздан ташқари озиклантиришнинг илмий асосланган агротехнологик тадбирлар тизимини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Суғориладиган шароитда буғдойнинг уруғлик ва технологик сифат кўрсаткичларини такомиллаштириш бўйича олиб борилган илмий тадқиқотлар натижаси асосида:

ғаллачиликка ихтисослашган фермер хўжаликлар учун «Суғориладиган шароитда кузги буғдой етиштириш технологияси бўйича тавсиянома», «Кузги буғдойни илдиздан ташқари озиклантириш бўйича тавсиялар» ишлаб чиқилган ва тасдиқланган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2017 йил 20 октябрдаги 02/21-549-сон маълумотномаси). Натижада ушбу тавсиялар ғаллачиликка ихтисослашган фермер хўжаликларида дон ҳосилини оширишда кенг қўлланилган;

кузги буғдойни илдиздан ташқари озиклантириш технологияси Тошкент вилоятининг Юқори чирчиқ туманида «Тангиберди ота» фермер хўжалигида 49 гектар, «Муаззам тадбиркор» фермер хўжалигида 53 гектар, «Рахимжон тадбиркор» фермер хўжалигида 37,5 гектар, «Хусанов Шокирали» фермер хўжалигида 44,9 гектар ва Ўрта Чирчиқ тумани «Вохиджон агро» фермер хўжалигида 16,5 гектар, «Улуғбек файз агро» фермер хўжалигида 30 гектар, «Истиклол Гео агро» фермер хўжалигида 34 гектар, жами вилоят бўйича 265 гектар майдонда жорий этилган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2017 йил 20 октябрдаги 02/21-549-сон маълумотномаси). Натижада кузги буғдой илдиздан ташқари озиклантирилганда фермер хўжаликларида дон ҳосилдорлиги ошиши билан бирга дон таркибидаги оксил миқдори 1-3 фоизга, клейковина миқдори 2-3 фоизга ортиши аниқланган;

кузги буғдойнинг уруғлик ва технологик сифат кўрсаткичларини оширишни таъминловчи мақбул экиш муддатлари, меъёри, суғориш тартиби ва суспензия қўллаш технологиялари 265 гектар ғалла майдонига жорий этилган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2017 йил 20 октябрдаги 02/21-549-сон маълумотномаси); Натижада кузги буғдойнинг умумий барг сатҳининг ортиши, фотосинтез жараёнининг жадаллашиши кузатилган ҳамда гектаридан ўртача 73,4 центнер дон ҳосили олинган, иқтисодий самардорлик ўртача 2,1 млн. сўм ва рентабеллик даражаси 81 фоизни ташкил этган.

Ишнинг синовдан ўтиши (апробацияси). Мавзу бўйича олиб борилган дала тажрибалари ҳар йили Ўзбекистон Қишлоқ хўжалик илмий ишлаб чиқариш маркази мутахассислари иштирокида Тошкент давлат аграр университетининг услубий комиссияси томонидан апробация текширувидан ўтди.

Олинган тажриба натижалари “Қишлоқ хўжалигида илғор технологиялар: Андижон тажрибаси” (Андижон 2002), “Аграр фани ютуқлари” (Тошкент 2002), “Донли экинлар етиштириш ва уни қайта ишлашда замонавий технологиялардан фойдаланиш” (Карши 2008), “Фермер хўжалиги тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси конунларини такомиллаштириш” (Тошкент 2009), “Аграрная наука –сельскому хозяйству” (Россия, Барнаул 2013, 2015 г), “Современные тенденции развития аграрного

комплекса” (Россия, Астрахань 2016г) халқаро ва республика илмий амалий конференцияларида маърузалар қилинган.

Натижаларни эълон қилинганлиги. Илмий тадқиқот ишларидан олинган тажриба натижалари асосида жами 1 та монография, 2 тавсиянома, 33 та илмий мақолалар чоп этилди, шундан 15 та мақола маҳаллий, 4 та мақола хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация иши кириш, адабиётлар шарҳи, тадқиқот натижалари, хулосалар, ишлаб чиқаришга тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ишининг ҳажми 200 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги, ва зарурати асосланган. Тадқиқотнинг мақсади, вазифалари ҳамда объекти ва предметлари тавсифланган. Республика фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Буғдой дон сифатини оширишнинг назарий ва амалий омилларини ўрганилганлик ҳолати**» деб номланган биринчи бобида мавзу бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари, хорижий ва маҳаллий адабиётлар таҳлили батафсил ёритилган. Шунингдек, тадқиқот мақсадидан келиб чиққан ҳолда Андижон ва Тошкент вилоятининг суғориладиган шароитида буғдойнинг уруғлик ва технологик сифат кўрсаткичларини баҳолаш, кузги буғдойни илдиздан ташқари озиклантиришнинг дон сифатига таъсири, дон сифатига таъсир этувчи омилларни ва дон сифатини яхшилашда агротехнологик тадбирлар мажмуини ишлаб чиқиш бўйича илмий тадқиқотларни олиб бориш зарурлиги баён этилган.

Диссертациянинг “**Тадқиқот ўтказиш шароитлари ва услублари**” деб номланган иккинчи бобида тадқиқотлар олиб борилган Андижон вилоятининг Андижон туманидаги Куйган-Ёр ҳудуди тупроқ-иқлим шароити ва Тошкент вилоятининг Қибрай туманидаги Бўз-сув ҳудуди тупроқ-иқлим шароити ҳамда тадқиқот ўтказиш услублари келтирилган.

Ҳудудларнинг тупроқлари ўтлоқи бўз ва типик бўз тупроқлар, механик таркиби ўртача кумоқ. Сизоб сувлари 2-3 метрдан 5 метргача чуқурликда жойлашган, шўрланмаган.

Тупроқнинг ҳайдов ва ҳайдов ости қатламларидаги чиринди миқдори 0,9-1,2% ни ташкил этиши, тупроқнинг озуқа моддалар билан таъминланганлигига кўра ўртача унумдорликка эга эканлиги, тупроқнинг рН муҳити нейтрал 6,5-7,0 га тенглиги кўрсатиб ўтилган.

Бу ерда йиллик ўртача ҳаво ҳарорати $14-16^{\circ}\text{C}$ га тенг бўлиб, вилоятнинг бундай об-ҳаво шароити кузги буғдой етиштириш учун жуда қулайлиги баён қилинган. Нисбатан паст ҳарорат қиш ойларига тўғри келиб, январь ойида ўртача ҳарорат $-3,-4^{\circ}\text{C}$ га, айрим кунлари эса ҳатто $-16^{\circ}, -20^{\circ}\text{C}$ гача пасайиб кетиши, нисбатан юқори ҳарорат эса ёз ойларига тўғри келганлиги баён этилган. Ёзда ўртача кунлик ҳарорат $25-30^{\circ}\text{C}$ га, айрим кунлари $40-42^{\circ}\text{C}$ гача кўтарилиши мумкин. Илик кунларнинг нисбатан узок давом этиши, самарали ҳароратлар йиғиндисининг юқорилиги бу вилоятда қишлоқ хўжалик экинларидан мунтазам равишда юқори ҳосил етиштириш имкониятлари мавжудлиги кўрсатиб ўтилган. Мавзу бўйича жами бешта тажриба ўтказилган.

1. *Минерал ўғитлар меъёри ва турларини уруғ сифатига таъсири;*

2. *Экиш меъёрини кузги буғдойнинг уруғ сифатига таъсири;*

3. *Сугориш режими ни кузги буғдой дон сифатига таъсири;*

4. *Кечки азотли озиклантиришни кузги буғдойнинг технологик сифат кўрсаткичларига таъсири;*

5. *Илдиздан ташқариш озиклантиришни кузги буғдойнинг технологик сифат кўрсаткичларига таъсири;*

Тажрибаларда вариантлар тўртта қайтариқда ўрганилган. Ҳар бир вариантнинг майдони 100 м^2 , шундан ҳисобли майдон 50 м^2 , ҳимоя майдони 50 м^2 ташкил этган. Тажрибада вариант ва қайтариқларни жойлаштириш, фенологик кузатувлар ва ҳисоб ишлари «Дала тажрибаларини ўтказиш услублари» (2007) услубномаси асосида олиб борилган.

Тупроқ таркибидаги гумус миқдори И.В.Тюрин усулида, тупроқ ва ўсимлик таркибидаги умумий азот ва фосфор миқдори Къельдаль, К.Е.Гинсбург, Г.Е.Шеглова, Е.В.Вильфиус усулида аниқланган.

Тупроқ таркибидаги нитрат миқдори Гранваль-Ляжу, ҳаракатчан фосфор миқдори Б.И.Мачигин усулида, калий миқдори оловли колориметр усулида аниқланган. Кузги буғдойнинг умумий барг сатҳи академик А.А.Ничипаровичнинг висечка усули бўйича аниқланган.

Дон таркибидаги оксил миқдори Къельдел усулида, дон таркибидаги Клейковина сифати ИДК-1, ПЭК-3А аппаратларида аниқланган.

Диссертациянинг «**Уруғ сифатини оширишнинг биологик асослари**» деб номланган учинчи бобда уруғ тўғрисидаги тушунча, уруғнинг асосий сифат кўрсаткичлари: уруғнинг тозаллиги, йириклиги, унвчанлиги, экишга яроқлилиги, униш куввати, униш кучи, бир хиллиги; уруғ сифатига қўйилган андоза талаблар, уруғ сифатини шаклланиш қонуниятлари, агротехнологик тадбирларни уруғ сифатига таъсири, кўчат қалинлиги ва озикланиш майдонини уруғ сифатига таъсири, минерал ўғитлар меъёрини уруғ сифатига таъсири баён этилган.

Экиш меъёрини турли кузги буғдой навларининг уруғ сифатига таъсири тўғрисидаги маълумотлар 1-жадвалда келтирилган.

Экиш меъёрини турли кузги буғдой уруғ сифатига таъсири

№	Навлар	Экиш меъёри млн.га	1000 та уруғ вазни,г	Уруғ тозалиги, %	Униш энергияси, %	Унувчанлиги %	Ўсиш кучи Г
1	Чиллаки	2	44,8	99,0	96,5	96,5	5,7
2		4	42,6	99,2	96,5	96,5	5,8
3		6	43,5	99,2	84,0	95,0	6,1
4	Крошка	2	41,9	99,2	98,0	98,0	7,0
5		4	40,9	99,2	97,5	97,5	5,8
6		6	40,4	99,1	97,0	97,0	6,9
7	Кахрабо	2	34,5	98,3	97,2	97,4	4,7
8		4	34,7	98,7	98,3	98,0	3,7
9		6	33,7	98,0	98,0	98,0	4,6

Олиб борилган тажриба натижалари кузги буғдойнинг турли навларида уруғ сифатига турлича таъсир этишини кўрсатган. Тажрибада уруғнинг тозалиги бўйича нав ва вариантлар ўртасида сезиларли фарқ кузатилмаган. Барча ўрганилаётган вариантларда уруғнинг тозалиги андоза талаблари даражасида бўлган.

Уруғнинг йириклиги, яъни 1000 дона уруғ вазни бўйича нисбатан юқори кўрсаткичлар кузги буғдойнинг Чиллаки навида 44,8 грамм, Крошка навида 41,9 грамм экиш меъёри 2 млн/га унувчан уруғ бўлган шароитда, Кахрабо навида эса 34,7 грамм экиш меъёри 4 млн/га унувчан уруғ бўлган шароитда кузатилган.

Уруғнинг униш энергияси ва умумий унувчанлик бўйича нисбатан юқори кўрсаткичлар Чиллаки 96,5% ва Крошка 97,5-98,0 % экиш меъёри паст 2-4 млн.га бўлган шароитда кузатилган бўлса, Кахрабо навида юқори кўрсаткичлар 98,0% аксинча экиш меъёри юқори 6 млн.га бўлган шароитда қайд этилган.

Уруғнинг муҳим сифат кўрсаткичларидан бири унинг бир хиллиги, яъни бир текислиги ҳисобланади. Бир текис уруғлар унинг кондицион уруғлигидан далолат беради. Бир хил ўлчамдаги бир текис уруғларни экилиши экиш сифатини яхшилайти, уруғларни текис тақсимланиши ва далада майсаларни текис ундириб олишни таъминлайди.

Диссертациянинг «Уруғ сифатини буғдойнинг дон ҳосили ва сифатига таъсири» номли тўртинчи бобида уруғ сифатини ўсимликнинг ҳақиқий кўчат қалинлигига, ўсимликнинг ўсиш ва ривожланиш жараёнига, турли кузги буғдой навларида ҳосил элементларининг шаклланишига, ўсимликларнинг умумий барг сатҳи ва фотосинтез жараёнига, кузги буғдой дон ҳосилдорлигига, кузги буғдойнинг дон сифатига, иқтисодий самарадорликка таъсири келтирилган.

Уруғнинг сифати маълум даражада унинг ўлчамига, катта ёки майдалигига боғлиқ бўлади. Тажрибада уруғ сифатини турли кузги буғдой навларининг кўчат қалинлигига ижобий таъсири тўғрисидаги маълумотлар 2-жадвалда келтирилган.

Уруғ сифатини кўчат қалинлигига таъсири

№	Навлар	Уруғ фракцияси мм	Экиш меъёри	Уруғнинг дала унувчанлиги %			1 м ² Ўсимлик сони, дона		
				2003	2004	ўртача	2003	2004	Ўртача
1	Чиллаки	1.7	6	32	33	32,5	192	198	195
2		2.0	6	47	45	46,0	282	270	276
3		2.5	6	58	56	57,0	348	336	342
4		3.0	6	70	71	70,5	420	426	423
5	Крошка	1.7	6	36	35	35,5	216	210	213
6		2.0	6	48	50	49,0	288	300	294
7		2.5	6	60	62	61,0	360	372	366
8		3.0	6	72	71	71,5	432	426	429
9	Кахрабо	1.7	6	39	37	38,0	234	222	228
10		2.0	6	50	53	51,5	300	318	309
11		2.5	6	71	73	72,0	426	438	432
12		3.0	6	69	70	69,5	416	420	417

Олиб борилган тажриба натижалари уруғ сифати уруғларнинг дала унувчанлигига ва кўчат қалинлигига ижобий таъсир этишини кўрсатган. Тажрибада майда 1,7мм фракцияли уруғлар экилган вариантларда уруғларнинг дала унувчанлиги Чиллаки навида 32,5%, Крошка навида 35,5 %, каттиқ буғдойнинг Кахрабо навида 38% бўлган. Уруғ ўлчами 2,0 мм бўлган шароитда дала унувчанлик кўрсаткичи Чиллаки навида 46,0%, Крошка навида 49%, Кахрабо навида 51,5% ни ташкил этган. Уруғ ўлчами 2,5 мм бўлганда дала унувчанлик мос равишда кузги буғдойнинг маҳаллий Чиллаки навида 57,0 %, Крошка навида 61,0 %, Кахрабо навида 72,0 % ни ташкил этган.

Тажрибада кўчат қалинлиги бўйича нисбатан юқори кўрсаткичлар Чиллаки ва Крошка навларида йирик 3 мм ўлчамли, Кахрабо навида ўртача йирикликдаги 2,5 мм ўлчамли уруғлар экилган вариантларда кайд этилган. Йирик уруғлар экилганда 1 м² майдондаги ўсимликлар сони Чиллаки навида 423 та, Крошка навида 429 та , Кахрабо навида 417 тани ташкил этган. Кўчат қалинлиги бўйича энг юқори кўрсаткич Кахрабо навида 2.5 мм ўлчамли уруғлар экилган шароитда кузатилган бўлиб, бунда 1 м² майдонда ўсимликлар сони 432 донага тенг бўлган. Демак, далада етарли миқдорда кўчат қалинлигига эришиш учун 2,5-3,0 мм ўлчамли уруғлар экилиши мақсадга мувофиқлиги аниқланган.

Диссертациянинг «Доннинг технологик сифат кўрсаткичларини шаклланишининг биологик асослари» деб номланган бешинчи бобида

доннинг асосий сифат кўрсаткичлари: дон сифатига ташқи омилларнинг таъсири, дон таркибидаги оксил, клейковина миқдори, доннинг ялтироқлиги, нон хажми тўғрисидаги тушунчалар; доннинг технологик сифат кўрсаткичларига қўйиладиган стандарт талаблар, доннинг технологик сифат кўрсаткичларини навнинг ирсий хусусиятларига боғлиқлиги, доннинг технологик сифат кўрсаткичларини иқлим шароитларига боғлиқлиги, доннинг технологик сифат кўрсаткичларини пасайишининг асосий сабаблари баён этилган.

Йилнинг об-ҳаво шароити ва иқлими доннинг технологик сифат кўрсаткичларига сезиларли таъсир кўрсатади. Доннинг шишасимонлиги: 60% иқлим шароитига, 18% ўтказилган агротехник тадбирларга, 22 бошқа кўзда тутилмаган омилларга боғлиқ бўлади.

Дон таркибидаги клейковина миқдори 32% об-ҳаво шароитига, 57% ўтказилган агротехник тадбирларга, 11% кўзда тутилмаган омилларга боғлиқ.

Ун кучи эса 33% об-ҳаво шароитига, 31% ўтказилган агротехник тадбирларга, 36% кўзда тутилмаган омилларга боғлиқ бўлади.

Доннинг технологик сифат кўрсаткичларини пасайишига сабаб бўлган омилларни уч гуруҳга бўлинади: биринчиси - селекция омиллар; иккинчиси - агротехник омиллар; учинчиси – тупроқ-иқлим шароитлари.

Селекция сабабларга дон сифати паст бўлган навларни экилиши, наводорлиги ва экиш сифат кўрсаткичлари паст бўлган уруғларни экилиши киради.

Агротехник омилларга - алмашлаб экишни бузилиши, экиш сифатини бузилиши, ўсимликни азотга бўлган эҳтиёжини етарли даражада қондирилмаслиги, донни ўз вақтида йиғиб териб олмаслик.


Тупроқ-иқлим шароити-тупроқ унумдорлигини паст гумус миқдори 0,90-1%, умумий азот меъёри кам 0,01% бўлиши, тупроқда азот миқдорининг кам бўлиши, иқлимнинг серёғин келиши, иқлимнинг паст келиши.

Диссертациянинг «**Агротехник омилларни буғдойнинг технологик сифат кўрсаткичларига таъсири**» номли олтинчи бобда агротехнологик омилларни кузги буғдойнинг ўсиши, ривожланиши, дон ҳосилдорлиги ва сифатига ижобий таъсири келтирилган.

Олтинчи бобнинг биринчи бўлимида экиш муддатларини кузги буғдой навларининг ўсиши, ривожланиши, ҳосил элементларининг шаклланиши, дон ҳосилдорлиги, ҳамда доннинг технологик сифат кўрсаткичларига таъсири баён этилган. Экиш муддатларини уруғларнинг умумий унувчанлигига таъсири тўғрисидаги маълумотлар 1-расмда келтирилган.

Экиш эрта муддатларда, яъни октябрнинг биринчи ярмида амалга оширилганда уруғларнинг унувчанлиги юқори 71-74% бўлган. Октябр ойининг иккинчи ярмида амалга оширилган шароитда навлар бўйича 66-70%, нисбатан кеч муддатларда, ноябр ойининг дастлабки кунлари амалга оширилган шароитда эса 50-56 % ни ташкил этган. Эрта муддатларда экиш шунингдек буғдойнинг маҳсулдор тупланувчанлигига ҳам ижобий таъсир этган.

Диссертацияда экиш муддатларини уруғларнинг умумий унувчанлигига таъсири 1-рамда келтирилган.



Расм 1. Экиш муддатларини уруғларнинг умумий унувчанлигига таъсири

Экиш эрта муддатларда амалга оширилганда маҳсулдор тупланувчанлик даражаси Чиллаки навида 1,8 га, Крошка навида 2,0 га, Уманка навида 1,8 га тенг бўлган. Шунга мувофиқ 1 м² майдондаги бошоқлар сони Чиллаки навида 536, Крошка навида 624, Уманка навида 596 донани ташкил қилган.

Кузги буғдойни экиш мақбул муддатларда амалга оширилганда ўсимликда ўсиш ва ривожланиш жараёни жадал кечади, моддалар алмашинуви яхшиланади. Натижада ўсимликнинг ҳосилдорлиги ортади, маҳсулотнинг сифати яхшиланади.

Уруғ кеч муддатларда экилганда эса кўчат қалинлиги сийрак бўлади, бегона ўтлар сони ортади, ўсимлик ривожланишдан орқада қолади, дон ҳосилдорлиги камаяди, маҳсулотнинг сифати пасаяди.

Уруғ экиш муддатларини кузги буғдой донининг технологик сифат кўрсаткичларига таъсири тўғрисидаги тажриба маълумотлари 3-жадвалда келтирилган.

Тажрибада доннинг технологик сифат кўрсаткичлари бўйича нисбатан юқори кўрсаткичлар уруғ октябрь ойининг иккинчи ярмида экилган шароитда кузатилган. Уруғ нисбатан эрта муддатларда экилган шароитда доннинг ялтироқлиги вариантлар бўйича 72-79%, дон таркибидаги оқсил миқдори 12,1-12,8%, клейковина миқдори 12,1-12,8% ни ташкил этган.

Тажрибада доннинг барча сифат кўрсаткичлари бўйича нисбатан юқори кўрсаткичлар кузги буғдойнинг Уманка нави 16-октябрда экилган шароитда кузатилган. Бу вариантда дон таркибидаги оқсил миқдори 13,3%, клейковина миқдори 28,4%, доннинг ялтироқлиги эса 82% ни ташкил этган.

Демак, суғориладиган шароитда доннинг технологик сифат кўрсаткичларини ошириш учун уруғларнинг мақбул муддатларда, октябрь ойининг иккинчи ярмида экиш мақсадга мувофиқлиги аниқлаб берилган.

Олтинчи бобнинг иккинчи бўлимида суғориш режимини кузги буғдой донининг технологик сифат кўрсаткичларига таъсири тўғрисидаги тажриба

маълумотлари келтирилган. Суғориладиган шароитда кузги буғдой дон ҳосилдорлигини ошириш ўз навбатида доннинг сифатига салбий таъсир этиши мумкин. Айниқса дон шаклланаётган вақтда ортиқча намлик доннинг технологик сифат кўрсаткичларини пасайишига олиб келади.

Шу тўғрисида суғориладиган шароитда кузги буғдойнинг дон сифатини сақлаш ва ошириш учун суғоришни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Тажрибада суғориш режимини турли кузги буғдой навларининг дон сифатига таъсири 3 - жадвалда келтирилган.

3-жадвал

Суғориш режимини дон сифатига таъсири

№	Навлар	Суғориш режими ЧДНС %	Суғориш схемаси	Доннинг шишасим онлиги, %	Дон таркибидаги, %		Нон хажми см ³	Дон сифати
					Оксил микдори	Клейковина микдори		
1	Чиллаки	65-65	1-1	85.7	13,6	28,3	580	Кучли
2		70-65	2-1	77.7	12,8	26,0	470	Ўрта
3		75-65	3-1	73.6	12,2	25,0	405	Ўрта
4		75-70	3-2	66.3	11,5	23,3	350	Кучсиз
5	Крошка	65-65	1-1	85.3	13,5	28,0	570	Кучли
6		70-65	2-1	77.0	12,7	26,3	480	Ўрта
7		75-65	3-1	73.3	12,3	25,0	410	Ўрта
8		75-70	3-2	65.0	11,6	22,7	340	Кучсиз
9	Кахрабо	65-65	1-1	90.6	15,0	31,3	710	Кучли
10		70-65	2-1	88.6	14,6	30,0	680	Кучли
11		75-65	3-1	86.7	13,7	28,3	600	Кучли
12		75-70	3-2	84.0	13,4	26,7	520	Ўрта

Тажрибада кузги юмшоқ буғдойнинг Чиллаки, Крошка навлари ва кузги каттиқ буғдойнинг Кахрабо навлари тўрт хил: ЧДНС га нисбатан 65-65%, 70-65%, 75-65% ва 75-70 % режимларида ўрганилган.

Олиб борилган кузатув натижалари тупроқда намлик миқдорининг ортиб бориши дон ҳосилдорлигига ижобий таъсир этишига қарамай, дон сифатини пасайишига олиб келишини кўрсатган. Чунки намлик юқори бўлган шароитда органик моддаларнинг парчаланиши, тупроқда азотнинг етишмовчилиги кузатилган. Азотнинг асосий қисми вегетатив органларда тўпланган. Натижада доннинг технологик сифат кўрсаткичларини пасайиши қайд этилди.

Тажрибада ўрганилаётган барча навларда дон сифати бўйича юқори кўрсаткичлар суғориш режими ЧДНС га нисбатан 65-65% бўлганда кузатилган.

Доннинг барча технологик сифат кўрсаткичлари бўйича нисбатан паст кўрсаткичлар кузги буғдойнинг Чиллаки ва Крошка навлари суғориш режими 75-70% бўлган шароитда парваришланганда қайд этилган. Бу вариантларда доннинг шишасимонлиги 65,0-66,3%, дон таркибидаги оксил

миқдори 11,5-11,6%, клейковина миқдори 23,3-22,7% га тенг бўлиб, сифат кўрсаткичлари кучсиз буғдой талабларига жавоб берган ва нонбоплик андоза талабларига жавоб бермаган.

Доннинг сифати бўйича энг юқори кўрсаткич каттиқ буғдойнинг Кахрабо навида суғориш режими ЧДНС га нисбатан 65-65% бўлган шароитда кузатилган. Бу вариантда доннинг шишасимонлиги 90,6%, дон таркибидаги оксил миқдори 15,0%, дон таркибидаги клейковина миқдори 31,3%, нон хажми 710 см³ га тенг бўлиб, доннинг сифати бўйича кучли буғдой андоза талабларига жавоб берган.

Олтинчи бобнинг учинчи бўлимида кечки азотли озиклантиришни доннинг технологик сифат кўрсаткичларига таъсири баъён этилган.

Ўсимликнинг азотли ўғитларга бўлган эҳтиёжи ўсимликнинг дастлабки ривожланиш фазаларидан бошланиб, пишиш фазасигача давом этади. Азот ўсимликнинг таркибида асосан органик бирикмалар, хусусан оксил таркибида бўлади, ўсимликда кечадиган барча физиологик жараёнларда иштирок этади.

Суғориладиган шароитда кузги буғдойнинг дон ҳосилдорлигини оширишнинг муҳим омилларидан бири шубҳасиз минерал озиклантириш ҳисобланади. Шу жумладан ўсимликни мавсум давомида азотга бўлган эҳтиёжини тўлароқ қондириш энг долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Айниқса кузги буғдойнинг бошоқлаш, гуллаш фазаларида, ўсимликда ҳосил элементлари шаклланаётган вақтда азотга бўлган эҳтиёжини тўлароқ қондириш, тупроқдаги азот танқислигини олдини олиш муҳум аҳамиятга эга.

Қўшимча азотли озиклантиришни кузги буғдойнинг дон ҳосилдорлигига ижобий таъсири тўғрисидаги тажриба маълумотлари 4-жадвалда келтирилган.

4-жадвал

Қўшимча азотли озиклантиришнинг дон ҳосилдорлигига таъсири

№	Вариантлар	Кайтариқлар бўйича дон ҳосили, ц/га				Ўртача дон ҳосили, ц/га	Қўшимча дон ҳосили, ц/га
		I	II	III	IV		
1	РК (Фон)	33	36	37	34	35	-
2	ФОН+ N 200 кг Тупланиш	53	57	56	58	56	21
3	ФОН+ N нинг 100 кг тупланиш 100 кг найчалаш	64	69	68	67	67	32
4	ФОН+N нинг 80 кг тупланиш 80 кг найчалаш 40 кг бошоқлаш	70	73	71	74	72	37


$$S_d = \sqrt{\frac{2S^2}{n}} = \sqrt{\frac{2 \times 2}{4}} = 1.0 \text{ ц/га}, \text{ НСР}(05) = t_{05} \times S_d = 2.26 \times 1 = 2.26 \text{ ц/га}$$

Юқорида келтирилган маълумотлардан кўришиб турибдики, тажрибада дон ҳосилдорлиги бўйича нисбатан паст кўрсаткич 35 ц/га назорат вариантда, энг юқори 72 ц/га дон ҳосили кузги буғдой вегетация давомида уч марта

тупланиш, найчалаш ва бошоқлаш фазаларида азотли ўғитлар билан озиклантирилган вариантда кузатилган.

Тажрибада қўшимча азотли озиклантириш кузги буғдойдан 5-37 ц/га қўшимча дон ҳосили етиштиришни таъминлаган. Қўшимча азотли озиклантиришни кузги буғдойнинг дон ҳосилига таъсири тўғрисидаги маълумотлар 5-жадвалда келтирилган.

Кузги буғдойда дон шаклланаётган вақтда азот танқислигини олдини олиш учун кузги буғдой етиштиришда ҳосил элементлари шаклланаётган вақтда қўшимча азотли озиклантириш ўтказиш лозим. Бошоқлаш, гуллаш даврида кузги буғдой навлари қўшимча азотли озиклантиришнинг дон сифатига таъсири 2-расмда келтирилган.




Расм 2.Кечки азотли озиклантиришни дон сифатига таъсири

Тажрибада доннинг барча технологик сифат кўрсаткичлари бўйича энг юқори кўрсаткичлар кузги буғдойни бошоқлаш фазасида қўшимча азотли озиклантирилган вариантда кузатилган. Бу вариантда дон таркибидаги оқсил миқдори 14,3%, клейковина миқдори эса 30,3% ни ташкил қилган. Доннинг сифати кучли буғдой андоза талаблари даражасида бўлган. Қўшимча азотли озиклантириш ҳисобига доннинг шишасимонлиги 4-20% га, оқсил миқдори 0,5-1,7% га, клейковина миқдори 2,1-4,5% га ортиши кузатилган.

Суғориладиган шароитда кузги буғдойнинг интенсив навлари ривожланишнинг бошоқлаш гуллаш фазасида қўшимча азотли озиклантирилиши ўсимликнинг азотга бўлган эҳтиёжини қондиришини кўрсатган.

Олтинчи бобнинг тўртинчи бўлимида илдиздан ташқари озиклантиришни кузги буғдойнинг дон ҳосилдорлиги ва сифатига таъсири тўғрисидаги маълумотлар келтирилган. Илдиздан ташқари озиклантириш ҳисобига битта ўсимликнинг барг сатҳи назоратга нисбатан 47,0-75,5 $c\ m^2$ га, минерал фонга нисбатан 14,6-43,1 $c\ m^2$ га ортиши кузатилган.

Кузги буғдойнинг вариантлар бўйича умумий барг сатҳининг ўзгариб бориш динамикаси 3- расмда келтирилган.



Расм 3. Ойлар бўйича кузги буғдойнинг умумий барг сатҳи, м²/га


Олиб борилган илмий тадқиқот натижалари минерал озиклантириш кузги буғдойда барг сатҳининг шаклланишига ижобий таъсир этишини кўрсатган. Айниқса, минерал озиклантириш икки томонлама, яъни илдиздан ва барг оркали олиб борилган шароитда ўсимлик барг юзасининг шаклланиши жадал кечган.

Тажрибада назорат вариантда ўсимликнинг умумий барг сатҳи март ойида 4,0 минг м²/га, апрельда 13,5 минг м²/га, май ойида 21,1 минг м²/га ни ташкил қилган бўлса, минерал фонда бу кўрсаткичлар март ойида 4,2 минг м²/га, апрелда 16,9 минг м²/га, май ойида 31,6 минг м²/га ни ташкил этган.

Кузги буғдойни илдиздан ташқари озиклантирилган даладаги умумий барг сатҳини ортиши ўз навбатида фотосинтез жараёнини жадаллашиши ва умумий биологик ҳосилдорликни ортишини таъминлаган.

Илдиздан ташқари озиклантириш сони ортиб боргани сари ўсимликнинг биологик ҳосилдорлиги ҳам ортиб борган. Масалан, назорат вариантыда биологик ҳосилдорлик 96,0 г/м² ташкил қилган бўлса, минерал фонда 166,9 г/м², бир марта илдиздан ташқари озиклантирилганда 182,9 г/м² ни, икки марта озиклантирилганда 200,1 г/м² ни, уч марта озиклантирилганда эса 215,3-216,5 г/м² ни ташкил қилган. Қишлоқ хўжалиги экинлари, шу жумладан кузги буғдойнинг биологик ҳосилдорлиги маълум даражада фотосинтез маҳсулдорлигига боғлиқ. Маълум вақт давомида шаклланган биологик массага фотосинтез маҳсулдорлик дебаталади. Тажрибада вариантлар бўйича соф фотосинтез маҳсулдорлик тўғрисидаги маълумотлар 4-расмда келтирилган.


Ўтказилган илмий тадқиқот натижалари илдиздан ташқари озиклантириш кузги буғдойнинг умумий барг сатҳини ошириш билан бир қаторда соф фотосинтез маҳсулдорлигига ҳам ижобий таъсир этишини кўрсатган.



